



ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1998 йил, 18 декабрь № 49 (329) • Сотувда нархи эркин

ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитасининг VI Пленуми бўлиб ўтди. Уни Марказий Кўмита раиси Т. Назаржонов бошқариб, «Маънавий-маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳукумат қарорини бажаришда алоқа ходимлари касаба уюшма кўмиталарининг тугган ўрни ва вазифалари ҳақида маъруза қилди.

Маърузачи касаба уюшмалари ҳўжалик ташкилотлари билан ҳамкорликда меҳнат жамоаларида ислохотларни янада чуқурлаштириш, жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини тарғиб қилишда маълум ишлар олиб борилганлиги, қатор корхоналарда маънавий-маърифий бурчаклар ташкил этилиб, ишчи гуруҳлари тузилгани, амалга оширилаётган ишлар бозор иқтисодиёти, демократик тамойиллар ривожланаётган даврда юксак билимли, ватанпарвар, меҳнатқаш, комил ин-

сонни тарбиялаб вояга етказишга ва шу орқали ишлаб чиқариш олдига турган муҳим масалаларни ҳал этишга қаратилгани, айна чоғда тармок касаба уюшмалари ва уларнинг бошланғич ташкилотларида ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигини айтиб ўтди.

Музокараларда Наманган, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси биланлашган касаба уюшмалари кўмиталари раислари М. Муқимов, Қ. Каримов, Н. Раимова ва бошқалар сўзга чиқишиб, жойларда бу борада амалга оширилган ишлар хусусида маълумот беришди.

Пленум қатнашчилари Марказий Кўмитанинг 1998 йилда бажарган ишлари тўғрисидаги ҳисобот билан танишдилар.

Пленум ишида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг Бош директори Ф. Абдуллаев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Иzzат АХМЕДОВ

Шарқда қадимдан оила муқаддас саналган. Ана шу муқаддас даргоҳ турли балою қазолардан сақланган. Жамиятимизда ҳам оиланинг ўрни бекиёслиги ҳисобга олиниб, 1998 йил «Оила йили» деб эълон қилинди. Шу боис ҳам жойларда Оила йилига бағишланган турли маданий-маърифий тадбирлар, анжуман ва йиғилишлар, кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги тизимида «Намунали оила» кўрик-танловлари бўлиб ўтмоқда. Кўрик таллабларига жавоб бера оладиган алоқачилар оилалари аввал ўз туманлари, сўнгра вилоятлари миқёсида ўтказилган танловда ўз кучларини синаб кўришди. Яқинда «Маҳаллий Телеком» акциядорлик компанияси таркибига кирувчи вилоятлар корхоналаридан келган оилалар якуний босқич, яъни республика миқёсида бўладиган танловда иштирок этиш

учун ўзаро беллашишди. Қизиқарли ўтган ушбу танлов алоқа соҳасида меҳнат қилаётган маърифатли, маданиятли, зукко оилалар кўп эканлигини кўрсатди.

«Маҳаллий Телеком» акциядорлик компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари Т. М. Бикметов бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра навоийлик

Муҳаммадқул Саидқулов ва фарғоналик Абдуқодир Исоқов оилалари фахрли биринчи ўринни, бухоролик Зоир Мақсудов оиласи иккинчи, андижонлик

Абдумажид Нурматов оиласи эса учинчи ўринни олишди. Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Танловда иштирок этган барча алоқачи оилалар бекаларига «Маҳаллий Телеком» акциядорлик компаниясининг махсус совғаси ва гуллар топширилди.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

ОИЛА – МУҚАДДАС ДАРГОҲ

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

• **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони**га кўра Марказий Осиё халқлари маданиятлари Ассамблеясининг президенти, машҳур ёзувчи ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

• **Ўзбекистон Республикаси Президентининг** таклифига биноан Молдова Республикаси Президенти Петру Лучински 17-18 декабрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

• **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** Давлат тили тўғрисидаги қонунни амалга ошириш ва топонимик объекتلарга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди.

• Тошкентда Ўзбек миллий мусика санъатининг атоқли намояндаси, Ўзбекистон халқ артисти Муҳиддин Қори Еқубов таваллудининг 100 иллагига бағишланган хотира кечаси ўтказилди.

• **Туркменистонда** Бетарафлик куни нишонланди. Ашгабатда 75 метр-

лик Бетарафлик арки очилди. Унда мамлакат Президенти Сапармурод Ниязовнинг 12 метрлик тилла суви юритилган хайкали ҳам ўрнатилган.

• Миср ички ишлар вазири Ҳабиб ал-Одлий жангари ислом ташкилотининг собиқ аъзоларидан 760 кишини хибсдан озод этиш ҳақида фармойиш чикарди.

• **Ҳиндистон собиқ Бош вазири Ражив Гандининг** беваеси Соня Ганди сайловолди компаниясида фаол қатнашишга қарор қилди.

• Голландия қироличаси Беатрикс Утрехтдаги қирол зарбхонасида дастлабки евро ни зарб этди. Бу билан у Голландияда янги Европа тангаларини чиқаришни бошлаб берди. 2002 йилда бундай тангалар сони миллиарддан ошиб кетади.

• **АҚШнинг бир гуруҳ олимлари** галати ҳулосага келдилар. Агар бола қовурилган картошка қаламчаларини кўпроқ еса, у итоткор, бахтли, босиқ бўлиб ўсармиш. Тадқиқотчилар дунёнинг турли минтақаларида тажрибалар олиб боришгач, ана шундай натижани эълон қилдилар.

«Самарқанд Телеком» шўба корхонасида «Менежмент, маркетинг ва телекоммуникациялар иқтисоди» мавзусида ўқув машғулоти бўлиб ўтди.

Машғулотлари Марказий Осиё телекоммуникациялар ўқув Марказининг ўқитувчилари Мария Ушанкова, Юнус Халилов ва Клара Ортиқовалар олиб боришди. Унда «Самарқанд Телеком»нинг туман филиал бошлиқлари, иқтисодчилар, етакчи мутахассислар иштирок этишди.

Тингловчиларга маркетингнинг вазифалари, моҳияти, талаб ва тақлифлар, шиша талали алоқа линиялари, янги технологиялар, бозорни бош-

қариш, таҳлил этиш, капитал маблағлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари ҳақида атроф-

ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

лича маълумотлар берилди.

Машғулотлар сўнггида давра сўхати ўтказилди. Марказ ўқитувчилари тингловчиларнинг кўплаб саволларига жавоб бериб, Япония, Германия, Бель-

гия ва бир қатор ривожланган мамлакатларнинг бу борада олиб бораётган ишлари ҳақида ҳам сўзлаб бердилар.

«Самарқанд Телеком» шўба корхонасининг техник директори Тўхтамурод Ғайбуллаев барча тингловчилар номидан маъруза ўқув машғулотларини республикада ўтказганликлари учун марказ ўқитувчиларига ташақкур билдирди. Ўқув машғулотлари иштирокчиларда чуқур таасирот қолдирди.

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ,
«ХАВАР»нинг махсус мухбири,
Самарқанд вилояти

БОШ МЕЗОН – ЭЛ ДАРДИ

«ХАВАР» саҳифаларида босилаётган ҳар бир материални диққат билан ўқиб бораман. Тўғриси айтиш керак, таҳририят ходимлари газетанинг мазмунини бўлиши учун ҳаракат қилаётгани сезилиб туради. Йил давомида алоқа соҳаси бош мутахассислари, хиссадорлик жамиятлари раҳбарларининг чиқишлари, уларнинг иқтисодий ислохотларини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлари тўғрисида қатор мақолалар чоп этилди.

Газета саҳифаларида алоқа соҳасида ишлаб келаётган ходимларнинг илғор тажрибаси ҳақида очерклар, мақолалар чоп этилишини ис-

таймиз. Инсон улуғ, хотираси ундан-да улуғ, «Хабар»да ўтганлар ҳақида чоп этилаётган мақолалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди деб ўйлайман. Бунинг учун сизларга миннатдорчилик билдираман.

Мана, 1999 йил учун обуна мавсуми ҳам якунланмоқда. Меҳнат жамоамиз «Хабар»ни севиб ўқишади. Ходимларимиздан 44 киши «Хабар»га обуна бўлишди.

Тилагим шуки, янги йилда ҳам бош мезон — инсон дарди, эл дарди бўлиб қолсин.

Раҳимжон БОЛТАБОВ

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Газетамизга обуна 20 декабрда якунланади. Ушбу мuddатдан сўнг обуна бўлганлар эса «Хабар»ни февраль ойидан бошлаб ўқишади. **ОБУНА БАҲОСИ (Каталог нархи)** Якка тартибдаги обуначилар учун: 6 ойга 330 сўм, 1 йилга 660 сўм.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 227 Ташкилот ва корхоналар учун: 6 ойга 498 сўм, 1 йилга 996 сўм.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 228

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ва Республика алоқа ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси томонидан ташкил этилган «Намунали оила» кўрик-танлови юртимизда намунали, ҳар томонлама ҳавас қилса арзигулик оилалар кўп эканлигини кўрсатди. Кўрик-танлов тўрт босқидан иборат бўлиб, дастлабки босқичлари, яъни туман ва вилоятларда ўтказилган танловлар яқунланди.

Тошкент Алоқа коллежида «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компаниясига қарашли почта корхоналаридан ғолиб сифатида келган алоқачи оилалар ўртасида ўзаро беллашувлар бўлиб ўтди. Бу маъмур танловнинг учинчи босқичи эди. Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент ҳамда Фарғона вилоятларидан келган оилалар ўртасидаги мусобақа бошланишданок қизиб кетди.

Оилалар олтинчи шартни бажаришлари керак эди. Дастлаб танлов иштирокчилари ўз оиласи таърифини келтиришди. Сўнгра қизикarli савол-жавоблар бўлди. Оилада ке-

ҲАММИСЯ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

либ чиқадиган турли муаммоларнинг ҳал этилиши юзасидан бахшланди. Танловнинг «Оилавий шажара» деб номланган шарти томошабинларда чуқур таассурот қолдирди. Бу шартни Бухоро вилоятидан келган Ҳамроевлар оиласи қойилмақом қилиб бажаришди. Улар ҳар бир шажара вакилининг таърифини шеърли усулда келтиришди. Авлодларнинг шахсларини тасдиқловчи араб алифбосида ёзилган эски гувоҳномалари ва тарихий ёдгорликлари намойиш этилди. Бу тарихий ҳужжатлар неча йиллардан бери авлоддан авлодга ўтиб, эъозланган сақланиб келинаётгани таҳсинга сазовордир. Шундан сўнг танловнинг «Ўз қасбининг устаси» деб номланган бешинчи шартни бажаришди.

Танловнинг сўнгги — олтинчи шартни буйича ўз маҳоратларини кўрсатган сирдарёлик ва фарғоналик оилалар ажойиб қуй ва қўшқилари, ичак узди қангома-ю аскиялари билан барчани хурсанд қилишди. Фарғоналик оила аъзолари ўзлари тайёрлаб келган ҳажвий томо-

шада «Хабар» газетамизни ҳам реклама қилиб, муштарийларни обун бўлишга ундадилар.

Хуллас, танловга келган оилалар ҳар томонлама синовдан ўтдилар. Ҳақамлар ҳайъати узок маслаҳатлашувдан сўнг сирдарёлик Кенжаевлар оиласини энг намунали оила деб топилди. Бу ажойиб оила аъзоларининг қанчалик зуқко ва билимдон эканликлари, одоб ва ахлоқи, юксак маънавияти, энг муҳими, уларнинг аҳил, иноқ эканликлари ҳар бир томошабинга сезилиб турди. Фахрли биринчи ўринни эгаллаган Кенжаевлар оиласига телевизор совға қилинди. Иккинчи ўрин эса фарғоналик Исмоиловлар оиласига насиб этди, уларга видеомагнитофон тақдим этилди. Учинчи ўринни эгаллаган Ҳамроевлар оиласи эса гилами бўлишди. Қолган иштирокчилар ҳам рағбатлантирувчи совғалар билан тақдирландилар.

«Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компанияси раиси ўринбосари Куролбой Тўлебоев танловда иштирок этган оилаларнинг барча кичкинтой фар-

зандларини саҳнага таклиф қилди ва уларга махсус совғалар топширди.

«Намунали оила» кўрик-танловининг учинчи босқичи ҳам яқунланди. Танлов якунида сирдарёлик Кенжаевлар оиласи бошлиғи, ўн бир фарзанднинг отаси, қирқ йилдан бери алоқа соҳасида хизмат қилаётган Муртозақул акани суҳбатга тортиди.

— Муртозақул ака, аввало ғалаба билан табриқлайман. Сизнинг оилангиз туманлараро танловда ҳам, вилоятлараро танловда ҳам ғалабага эришиб, «Намунали оила» номига сазовор бўлди. Бу муваффақиятнинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Авваламбор, ўз меҳнатимиз, фарзандларимизнинг аҳиллиги, уларнинг оилада кўрган тарбияси ва олган билимлари тўғайли ушбу шарафга лойиқ топилдик деб ўйлайман. Қолаверса, бу танловга пухта тайёргарлик кўришимизда «Сирдарё почтаси» хиссасдорлик жамияти раҳбарияти ҳамда касба уюшмаси кўмитаси яқиндан ёрдам беришди. Мен уларга ўз мин-

натдорчилигимни изҳор этман.

— Мана шундай тадбирларнинг ёшлар учун қандай аҳамияти бор?

— Бундай тадбирларнинг ёшлар учун аҳамияти жуда катта деб ўйлайман. Ўзингиз гувоҳ бўлдингиз, саҳнада ўзбек оиласининг ажойиб миллий урф-одатлари, аънаёлари, фарзандларнинг ота-онага, катталарга бўлган муносабатлари, бизнинг энг орқилик муаммоларимиздан қайнона-келин муносабатлари намойиш этилди. Томошабинларимизнинг кўнчилиги эса ёшлар эди. Улар албатта ўзларига тегишли хулоса чиқарадилар деб ўйлайман. Келгуси йилнинг Юртбошимиз томонидан «Аёллар йили» деб эълон қилинишидан хурсанд бўлдим. Еш авлодни Вантанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда ана шу захматкаш, мунис-меҳрибон аёлларнинг ўрни бекиёсдир.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат. Сизнинг оилангиз бугун фахрли ўринни эгаллаш билан бирга «Намунали оила» кўрик-танловининг сўнгги тўртинчи босқичига йўлланма олди. Бу беллашувда ҳам оилангизга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Хулкар РАХИМҚУЛОВА

• Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда? БИЗДАН ХЕЧ КИМ РАНЖИМАЙДИ

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даври бошқа соҳалар каби алоқа соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатишмоқда. Ана шундай шароитда ушбу соҳада қандай ишлар амалга оширилмоқда? Биз шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида Собир Раҳимов тумани телефон тармоғига бордик.

Дастлаб биз маъмур тармоққа мижозлар не мақсадда ташриф буюришлари билан қизиқиб кўрдик. Бу ерга баъзи бир одамлар телефон харажатларини тулаш, баъзилари эса шикоятлар билан келишар экан. Шикоятларнинг деярли барчаси телефонларнинг носозлигидан. Қабулхонада ўтирган иш юритувчи ходима мижозлар шикоятини тинглаб, уларга ҳушмуомалалик билан жавоб қайтариб, ёрдам кўрсатиши диққатимизни ўзига тортди. Кузатишимиз давомида у бир дақиқа бўлса ҳам бўш ўтирмади. Бир телефон гўшагини қўйиб, иккинчисига жавоб берар, унисини энди қўйганда, бошқаси жиринглаб қоларди. Яна шикоятчиларнинг араз-додини эшитишга ҳам фурсат топарди.

Қабулхонага рус кампирни келиб «Телефонда биринчи рақамни терийшдан сўнг, шовқин ва овоз эшитилляпти. Илтимос, ёрдам беринг, қизим» деди.

— Онаҳон ҳозир илтимосингизни бажараман. Мана бу сўзга ўтириб туринг.

У кампирдан телефон рақамини олиб, дарҳол операторларга уланди.

— Қизлар, чарчамаясизларми? Илтимос, мана бу рақамли телефонни текшириб кўринг, шовқин ва овоз эшитилляпти экан, — дея у онаҳонга юзланди.

— Сиз уйингизга бораверинг, ярим соатдан сўнг телефонингизни созлаб беришди.

— Раҳмат қизим, барака топ, — деб кампир уйига ҳўнади. Алоқачилар номига айтилган бундай миннатдорчиликларни кузатуви давомида бир неча мартаба эшитдим. Хуллас, алоқачининг ҳушмуомаласидан кўнглимиз тўлган холда Собир Раҳимов телефон тармоғи директори Маъруфжон ДАДАБОВЕВ билан учрашиб, суҳбатлашдик.

— Маъруфжон ака, аввало бизга шу тармоқ қайси ҳудудларда фаолият кўрсатиши ҳақида маълумот берсангиз.

— Собир Раҳимов туманидаги бу телефон тармоғининг 11 та филиали мавжуд. Филиалларимиз С. Раҳимов, Шайхонтоҳур, А. Икромов ва қисман Юнусобод туманларида фаолият кўрсатади. Туманлардаги филиалларимизда тажрибали мутахассислар раҳбарлик қилишляпти. Улар ўз ходимлари билан бирга шу тармоқнинг ривожланишига хиссаларини қўшмоқдалар. Тармоғимиз очик турдаги хиссасдорлик жамиятига айлантирилган. Тармоғимизда ҳамма вақт иш қизғин. Бунга ўзингиз гувоҳ бўлибсиз. Бир сўз билан айтганда бу ерга шикоят билан келган одам хафа бўлиб чиқи кетмайди. Барча филиалларимизда тажрибали мутахассислар фаолият кўрсатишляпти. Ешларга эътибор бераямиз. Тошкент электротехника Алоқа институтида ва Алоқа коллежида таҳсил олган ёшларни ўз сафимизга жалб этишга алоҳида эътибор бераямиз.

— Бугунги кунгача тармоқда қанча телефон ўрнатилди?

— Ун ой мобайнида тармоғимиз буйича беш мингта телефон ўрнатилди. Телефонларнинг 90 фоизи аҳоли хонадонларига, қолган қисми эса корхона ва ташкилотларга ўрнатилди. Анимо шуни ҳам айтиб ўтишим жоизки, шу ўн ой давомида қўйлаб телефонлар, асосан ташкилотларнинг телефонлари хизмат ҳақи тўланмаганлиги учун узиб қўйилди.

— Тармоқда қанча ходим ишляйди?

— Бизнинг С. Раҳимов туманидаги телефон тармоғида 558 нафар ишчи-ҳодимлар ишляди. Ҳозир лиянларда 75, станцияларда 65 нафар мантўр ҳамда 57 нафар қабелчилик хизмат қилишляпти.

— Маъруфжон ака, «Оила йили»да тармоқда қандай ишлар амалга оширилди?

— «Оила йили»да уруш қатнашчилари ва ногиронларга, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатдик. «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» хиссасдорлик жамиятига ўтказилган «Оила» кўрик-танловда тармоғимиздан тўққиз нафар оила қатнашди ва фахрли учинчи ўринни эгаллашди.

— Суҳбатингиз учун раҳмат.

— Ташаккур.

Зоҳиджон ЁҚУБОВ суҳбатлашди



Хайрихон ХУДОЙБЕРДИЕВА 1979 йилдан бери «Жиззах Телеком» шўъба корхонасининг шаҳар филиалда телефончи бўлиб ишляйди. У касб сирларини пухта ўрганиб, одамлар олқишига сазовор бўлиб келмоқда.

Б. ТОШМАТОВ олган сурат

Ўзбекистон Фанлар академиясининг энергетика ва автоматика институтида электрик сигналларни электрон вакуум технологияси асосида ўлчаш асбобларини яратиш йўлида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

ТАЖРИБАХОНА ТАДҚИҚОТИ ИЖОБИЙ БАҲОЛАНДИ

— Биз электр вакуум технологиясини тақомиллаштириш соҳасида қатор янги натижаларга эришмоқдамиз, — дейди тажрибахона бошлиғи Виктор Федулов.

— Электр қувватидан фойдаланиш жараёнини таҳлил қилишнинг электродиагностик маҳжмуасини яратишга ҳам эришдик.

Тажрибахона ходимларининг бу ютуғи якунида Тошкентда ўтказилган Марказий Осиё ва Кавказ зорти минтақаси алоқа метрологлари йиғилишида ижобий баҳоланди. Ҳозир ана шу илмий жараёни бевосита алоқа тизимига тадбиқ қилишнинг тақомиллашган муқобил техник усули устида жиддий изланиш олиб борилмоқда. Бу янгилик почта ва телекоммуникация соҳасида илмий-техник ва тажриба-конструкторлик ишлари олиб борётган марказ орқали омаллаштириладиган бўлди.

А. АЛИЕВ

ХОНАДОНЛАРДА РАДИО ЯНГРАГАНДА

Ростини айтсам, яқин-яқингача хонадонлардаги радио айтма эди. Бу хол билан ҳеч ким қизикмади. Лекин ширкатлар уюшмасида Муродкул Турсунов раис бўлиб келган, уша ҳаво тўлқинидаги «жим»лик эшиғи очилди. Буни қарангки, халқимиз худди шу эҳтиёжга ташна бўлиб яшаётган экан. Муродкулнинг савоб ишидан бениҳоя хурсанд бўлишди.

Радио хизматини йўлга қўйиш худди кампирдан қил суғургандай силлиқина кўчмади. Аксинча, радиоэзелни таъмирлаш, 10-15 қақиринга сир тортиш учун анча-мунча маблағ сарфланди. Ахйир, мақсадга эришилди. Ҳозир хонадонларда кеча-ю-кундуз радио янграб турибди.

Халқ манфаатини йўлга яшаган раҳбарнинг иши ҳам ўнгидан келаверар экан. Муродкул Турсунов қолақ ҳўжаликни илгорлар сафига қўшди. Жорий йилда барча кўрсаткичлар буйича яхши натижаларга эришилди. Жумладан, давлатга қарий 2 минг тонна пахта сотилди. Суғурладиغان ва лалми ерлардан олинган галла ҳосили ҳам мул бўлди.

Мен бу муваффақиятларнинг омилларидан бири радионукта хизмати қайта йўлга қўйилганида деб биланман. Чунки қишлоқ одамлари ҳар қуни янгиликлардан хабардор бўлиб, дилрабо куй-қўшиқлардан тинглаб, далага, меҳнат қўчига яхши кайфият билан отланишмоқда.

Эрғаш БЕКМУРОДОВ, Сарийосё туманидаги «Тоқчиён» ширкатлар уюшмасининг радио ташкилотчиси

«Халқаро Телеком» акциядорлик компанияси жамоаси Тошкент телефон-телеграф станцияси бошлиғи Марат Зоҳидовга акаси

Шавкат ЗОХИДОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Алоқа коллежи жамоаси ўқитувчи Хуршида Зоҳидовага акаси

Шавкат ЗОХИДОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

РЎЗА — ИЛОҲИЙ ЗИЙНАТ

Рамазон ойи барча мусулмонлар учун азиз ва муқаддасдир. Ҳақиқатан, ўн тўрт асрдан буюн башарият олами ни ҳидоят учун даъват этиб келаятган Куръони карим ҳам ушбу ойда нозил бўлган. Унинг илоҳий кўрсатмаларига амал қилганлар икки дунёда саводатли бўлишларига ҳеч бир шубҳа йўқдир.

истеъмол қилишлари ва бунинг оқибатида турли хил касалликларга дучор бўлаётганлари маълум.

Машхур араб табиби, табобат фанлари доктори Муҳаммад Жаъфар куйидги касалликларга чалинган беморларга рўза тутиш ман этилишини қайд этган:

1. Сил ва анемия (кам қонлик) каби ҳолсизлантирадиган касалликларга, ўпка хасталикларига чалинган ва юрак уруши сусайган беморлар.

2. Ошқозон-ичак касаллигига чалиниб, қайт қилиб турадиган ва ич буруғи (дизентерия) билан касалланганлар.

3. Меъда, ўн икки бармоқ ичагида касали бўлганлар.

4. Иситмаси бўлган беморлар. Чунки улар ҳарорат таъсирида кўпроқ сув истеъмол қилишни истайдилар.

5. Хафакон касалига учраганлар ва қон босими паст бўлган беморлар.

6. Касалдан янги оёққа турганлар, операциядан янги чиққанлар, жисмоний заифлар.

7. Хомилдор аёллар, ёш болали оналар, ёши ўтиб қолган қариялар.

Рўзанинг фазилатларини баён этиш учун фасоҳат соҳибларининг қаламлари ҳам ожизлик қилади. У шундай беназир ибодатлар сирасига қирадиким, унинг замирида инсоннинг иродасини, маънавиятини мустаҳкамлаш, уни руҳан ва ахлоқан тарбия этиш, сабру-қаноатга ўргатиш, нафсоний ва шаҳвоний орау-хавасларга чек қўйишга одатлантириш каби мақсадлар ётади.

Ҳадиси шарифда шундай дейилган: «Одам боласининг рўзадан бўлак барча амаллари ўзи учундир. Рўза эса мен учундир ва мен Одам боласини рўза туфайли мукофотлайман. Рўза жаннатдир. Жаннатда бир эшик бор. Унинг номи Раййон деб аталади. Қиёмат кунда у эшикдан фақат рўза тутганлар қирадилар, улардан бўлак ҳеч ким қирамайди». Кимки Рамазон ойида иймон ва умид билан рўза тутса, унинг илгари қилган гуноҳлари мағфират қилинади. Рамазон кейинги рамазонгача қилинган гуноҳларга кафолатдир, токи, улар оралиғида гуноҳи кабиралар содир қилинмас. Яна: Рўзани кўз, тил, қулоқ, оёқ ва қўл билан тутиш керак дейилади. Кўзнинг рўзаси шуки, номаъқул ва ношаръий (шариат ман қилган нарсалар) нарсаларга боқмайди. Қулоқнинг рўзаси шуки, номаъқул ва ношаръий сўзларни эшитмайди. Тилнинг рўзаси шуки, номаъқул ва ношаръий сўзламайди.

Хулоса шуки, Рамазон ойида иймон билан Рўза тутиш ҳар бир инсонни ҳам жисмонан, ҳам руҳан тазалайди, уни худбинликдан, ёмонликдан, зарарли одатлардан, гуноҳи кабиралардан узоқлаштиради, ногирон ва камбағалларга эҳтиром ва эҳсон қилиш ҳиссини уйғотади. Қалбини мусулмонларга ҳос илоҳий зийнат билан бойитади. Худога таолога яқинлаштиради. Ҳар бир каттаю-кичик одамнинг энг ёвуз ва даҳшатли душмани нафс васвасасидан руҳан тазаланишига сабаб бўлади.

Энг яхшилар — Куръонни ўрганиб, Куръонни ўргатган кишилардир.

Рамазон ойида бир қултум сув билан бўлса ҳам саҳарлик қилинган ва бир қултум сув билан бўлса ҳам ифторлик қилинган.

Еган таомга кўп шуқур айтгучи баъзи бир банданинг рўза тутган сабрли кишидан ҳам ажри кўпдир.

Кўнгли юмшоқлик (ҳалимлик) ҳикматнинг бошидир.

Узоқ-узоқ зиёрат қил, ўртада муҳаббат зиёда бўлади.

ПАЙҒАМБАРИМИЗ НАСИҲАТЛАРИ

Сайёҳлар рўзадордирлар.

Жамоат намозининг савоби ёлғиз ўқилган намоз савобидан 25 баробар ортиқдир.

Қариндошнинг қариндошга қилган садақаси — ҳам садақа, ҳам силаи раҳидир.

Отага итоат қилиш — Аллоҳга итоат қилишдир. Отага осий бўлиш — Аллоҳга осий бўлишдир.

Ҳар бир яхшилик садақадир.

Ҳада улашинглар, яхши кўришасизлар, қўл бериб кўришинглар, диллардан гаш, гина кетади.

Ҳада беринглар, чунки у муҳаббатни зиёда қилади ва дил зангларини кеткизади.

Кундузги рўза учун саҳарликдан фойдаланинганлар, кундузги уйқудан тунги бедорлик учун фойдаланинганлар.

Қон олувчи ва қон олдирувчининг рўзаси очилиб кетади.

Аллоҳ Таоло ҳақиқатан гўзалдир, гўзалликни яхши кўради; сахийдир, сахийликни яхши кўради; покдир, покликни яхши кўради.

Юсуф ТОВАСЛИЙ

● Мерос

ТАННОЗ ХОТИННИНГ ТУЗАЛИШИ

Бир одам жуда нозли қизга толиб бўлди. Анча ноз-истигнолардан сўнг турмуш қурдилар. У аёлда ислом тарбияси жуда оз эди. Шунинг учун эрининг қадрига яхши етмас эди. Иши фақат нозланиш эди, ҳолос. Турмуш қурганларига бир неча кун ўтганда ноз билан:

— Вақт ўтиб сатанглигим тутди. Ул вақтда менга ҳеч нарса демагин. Иш қилмайман, захмат чекмайман. Агар осмон бошимга узилиб тушса ҳам у кунда бирор иш қилмайман, — деди.

Эри ақлли одам эди. Бироз сукут сақлаб, хотинининг гапига тушунгандай бўлиб:

— Дуруст, сатангинам, мени ҳам вақт ўтиб эшаклигим тутиб кетади. Ул вақтда сен менинг ғазабимга дучор бўлма, — деб жавоб берди.

Орадан ойлар ўтди, аёлнинг сатанглиги орта борди. Ул одам қанча юмшоқ бўлса, хотинининг нози шунча кучая борди. Секин-секин ишлари эр жонига тега борди. Бир кун эр уйига келиб:

— Хоним, шу-шу нарсаларни ҳозирла, дўконга олиб кетаман, — деди.

Хоним ҳар вақтдагидек жойидан қимирламади. Ул одам гапини такрорлади. Яна ҳеч сас йўқ. Ул одам қайтарди.

Хотин: — Бугун дангасалигим тутиб турибди, ҳеч иш қилмайман, — деди.

Ул одам белидан камарини ечиб, хотинини, «мана сенга, мана сенга дангасалик» деб савалади.

Хотин бақирди: — Вой дод! Вой белим, вой қўлларим! Вой ўламан!

— Жаҳлим қикди хоним, чида, эшаклигим тутиб кетди, — деб яна камар билан савалай бошлади.

Шундан кейин хотиннинг ақли қириб: — Бўлди афандим, менинг дангасалигим кетиб қолди, — деди.

Шундай қилиб, на эрда эшаклик, на хотинда дангасалик, таннозлик қолибди. Хасталиклардан халос бўлибдилар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдувоҳид ЖУРАБОВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Изаат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТҮЛЕБОВ
Ёқубжон ХҲЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК

КЕНГАШИ:
Бўриной АҲМЕДОВ
Саидмахмуд АҚБАРОВ
Шохруҳ АҚБАРОВ
Меҳмонкул ИСЛОМУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МУАССИС:

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:

Шодмон ОТАБЕК

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


Муҳарририятга келган кўлэмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўзатга олиш №00011. Буюртма № Г-0634. 8245 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Боснига тоширилди — 19.00
Боснига тошириш вақти — 21.00

123456



ХИВА. Калта минор ва Муҳаммад Аминхон мадрасаси
Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

«ТИЛЛА ЧЎП»НИНГ ХОСИЯТИ

Ўзбек халқининг миллий таомларида ишлатиладиган зирavorлардан зарчаванинг ўзи нима? Зарчаванинг инсонга фойдаси борми?

Зарчава форс-тожик тилидаги «зар» (тилла) «чўб» (чўп томир) сўзларидан таркиб топган бўлиб, «тилла чўп» маъносини англатади. Бу тро-

пик мамлакатларда ўсадиган шиш номили бута ўсимлигининг илдицидир. Уни махсус усулда қозуриб олиб, ҳовончада туйиб талқон қилинади. Ҳосил бўлган унини паловга, гўштга ва бошқа овқатларга зирavor сифатида қўшилса тайёрланаётган таомлар чиройли — тилла рангга қиради.

Шифобахш ҳамда зирavor бўлиб ҳисобланган зарчава асосан Ҳиндистон, Афғонистон ва Эрон пазандалигида

кенг қўлланилади. Ўзбек миллий таомларида уни фақат катта тўй ва байрамларда тайёрлаб, дамланадиган паловларга ишлатилади.

Халқ табобатида зарчава шифобахш доривор сифатида кенг қўлланилади. У буйрак ва ўт қопадаги тошларни майдалайдиган дори сифатида қадимдан қўлланиб келинмоқда. Зарчаванинг яна бошқа дардларга ҳам даво эканлиги Абу Али ибн Синонинг асарларида баён этилган.



ДУШАНБА, 21

Телемониторинг дирекцияси! Профессияда муносибат билан дунёда, 21 декабрь кунги 'Узбекистон-1' телеканалда кўрсатувлар соат 5.00дан 14.00гача 'Халқаро-IV' телеканал оралигида намойиш этилади.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 'Олам ва одам'. 18.25 'Хумат'. 18.45 'Юрак, сўянсан меннинг созим'. Муслик дустури. 19.05 'Бирдан бир миллионча...'. 19.25, 19.55, 20.25, 21.55 - Эълонлар. 19.30 'Ахборот (рус тилида)'. 20.00 Биоз ва банк хабарлари. 20.10 Оқшом эртанлари. 20.30 'Ахборот'.

21.05 Муборак Рамазон тухфаси. 'Мухаммадун Расулulloх'. Кўп қисми телевизион бадий фильм премьераси. 5-фасл 3-қисм. 22.00 'Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIII сессияси олдидан'. 'Напарлатман соати'. 22.05 'Келин-куёв'. Телешоу. 22.25 'Ахборот'. 22.45 'Ахборот'. 00.15-00.20 Ватан тими соллари.

УзТВ II 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 'Янги авлод' студияси намойиш этади (Ким эгилч-у, ким чакон?). Мульттомоша. 18.40 'Нингир'. 18.55 Муслик лхазлар. 19.00 'ДАВР'. Ахборот дастури. 19.25 'Буёк кўрт фарзандим'. 19.40, 20.35, 22.25 - Эълонлар. 19.45 'Доктор Финли'. Телесериал. 20.40 'Жахон'. Халқаро шарҳ. 21.00 'Мухаббат навалари'. 21.15 'Мезон'. 21.40 'Ешлар' телеканалда. 21.45 'Араб эстрадаи бадий фильм премьераси. 5-фасл 3-қисм. 22.00 'ДАВР'. Ахборот дастури. 22.30 Синема. 'Зукко'. Мелодрама. 24.00 Хайри тун!

УзТВ III 17.55 Кўрсатувлар дастури. 18.00 'ДАРАҚЧИ'. 18.10 'Ериштош'. Мульттўплам. 18.20 Телерафт (рус тилида). 18.30 'Сен ҳақингда ва сен учун' (узбек тилида). 18.45 'Санта-Барбара'. Телесериал. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 - Эълонлар. 19.30 'Ахборот (рус тилида)'. 20.00 'Солиқ ҳақида сабақлар'. 20.15 'Тошкентда марҳамат'. Манаварал фильм. 20.30 'Ахборот'. 21.05 'Тагтер'. Телесериал. 21.15 'Халқ саломатлиги йўлида'. 22.20 'Телефакт (узбек тилида)'. 22.40 'Япония ҳақида хикоятлар'. 22.50 'ДАРАҚЧИ'. 23.00 'Минг бир масъалат'. 23.05 'Спорт-тайм'. 23.15 Оханлар ва эълонлар. 23.25 Саргузашт фильмлар экрани. 00.55 'ТВ музыкаси'. 01.20 Хайри тун, шаҳрим!

5.00 Муборак Рамазон тухфаси. 'Мухаммадун Расулulloх'. Кўп қисми телевизион бадий фильм. 5-фасл 2-қисм. 5.50 Мумтоз мусика. 6.00 'Ассалом, Узбекистон!'. 7.30 'Таллинна'. 8.10 'Узбектеlevision' намойиш этади. 'Самога йул'. 8.30 'Узлик'. Бадий-публицистик кўрсатув. 8.55 'Куяя учун уй'. Мультфильм. 9.15 'Санат олами'. 9.35 'Олтин тоғ'. Телевизион уйини. 10.00, 12.00, 14.00 - Янгиликлар. 10.05 'Кино ангиликлари'. 10.15 'Жахон спорти'. 10.25 Кундузги саванс. 'Шахар таронаси'. Бадий фильм. 12.05 Эстрада тароналари. 12.30 'Олмага сават'. 12.50 'Обод уйда пок одамлар яшайди'. Таҳлилий кўрсатув. 13.15-14.00 'Жаҳонлар'. Бормисм. Муслик дам олиш дастури.

16.45 Кўрсатувлар тартиби. 16.50 'Мульгасар'. 17.10-18.45 Туркия телевидениеси. Россия жамоат телевидениеси. 18.45 'Шу ерда ва ҳозир'. 19.05 Душанба кунги Поэнар билан 'Никобдаги киши дастури'. 19.45 'Чироклари синган кўчалар'. Миллиция сериали. 20.45 Хайри тун, кичкинтойлар! 21.00 'Время'. 21.35 'Мухаббат тарихи'. Телесериал. 22.20 'Оламда нима гап?'. Ахборот кўрсатув. 22.25 'ТВ-да немис тўлимида'. 22.45 'Асаллик ва мангулик халқлари'. 23.00 'Вести'. 23.30 'Жаҳонлар бустони'. Оқ бурлар. Бадий фильм. 01.10 'Ахборот (рус тилида)'. 01.35-01.40 Тунингиз оуда бўлисин!

УзТВ IV 5.00 Муборак Рамазон тухфаси. 'Мухаммадун Расулulloх'. Кўп қисми телевизион бадий фильм. 5-фасл 3-қисм. 5.50 Мумтоз мусика. 6.00 'Ассалом, Узбекистон!'. 7.30 'Ахборот'. 8.00 - 8.30 'Узбектеlevision' намойиш этади. 'Буёк Турон'. 8.30 Республика газеталарининг шарҳи. 8.45 'Рақсар гудастаси'. 9.10 'Қусто командасининг сув ости саргузашлари'. Телесериал. 5-қисм.

УзТВ I 5.00 Муборак Рамазон тухфаси. 'Мухаммадун Расулulloх'. Кўп қисми телевизион бадий фильм. 5-фасл 3-қисм. 5.50 Мумтоз мусика. 6.00 'Ассалом, Узбекистон!'. 7.30 'Ахборот'. 8.00 - 8.30 'Узбектеlevision' намойиш этади. 'Буёк Турон'. 8.30 Республика газеталарининг шарҳи. 8.45 'Рақсар гудастаси'. 9.10 'Қусто командасининг сув ости саргузашлари'. Телесериал. 5-қисм.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 - Янгиликлар. 10.05 'Алифбо сабақлари'. 10.35 'Сила'. Тележурнал. 11.10 'Теран томилар'. 11.40 'Чемпион билан учрашу'. 11.45 'Махсуслаш' - касбтаранлар. 12.30 Лирик тароналар. 12.55-14.00 Кундузги саванс: 'Чинор остидаги дуа'. Бадий фильм. *** 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 'Велосипед қочиб кетди'. Мультфильм. 18.20 'Саҳна ҳаёти'. 18.45 'Эзуликка бекишда умар'. Узбекистон Республикаси Олий Мажлисини депутатлари Курбан Амриқуллов. 19.05 'Синкор'. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 - Эълонлар. 18.30 'Ахборот (рус тилида)'. 20.00 'Икисидан чорхаларида'. 20.15 Оқшом эртанлари. 20.30 'Ахборот'. 20.45 'Акс-ақсо'. 21.35 Муборак Рамазон тухфаси. 'Мухаммадун Расулulloх'. Кўп қисми телевизион бадий фильм премьераси. 5-фасл 4-қисм. 22.20 'Шурона айтиб'. Эркин Рузметов. 22.40 'Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIII сессияси олдидан'. 'Напарлатман соати'. 23.05 'Келин-куёв'. Телешоу. 23.25 'Ахборот'. 23.45 'Ахборот'. 00.15-00.20 Ватан тими соллари.

УзТВ II 18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 'Қусто командасининг сув ости саргузашлари'. Телесериал. 5-қисм. 18.50 Муслик лхазлар. 19.00 'ДАВР'. Ахборот дастури. 19.25 'Талкин'. 19.40, 20.35, 22.45 - Эълонлар. 19.50 'Доктор Финли'. Телесериал. 20.45 Танишини: Фазилдин Холматов. 21.00 'Гал йук'. 1-қисм. 21.55 'Ешлар' телеканалда. 22.05 'Араб эстрадаи бадий фильм премьераси. 5-фасл 3-қисм. 22.25 Пьермадан сўнг. 22.25 Синема. 'Саймон ва яна Саймон'. Мелодрама. 00.20 Хайри тун!

УзТВ III 17.55 Кўрсатувлар дастури. 18.00 'ДАРАҚЧИ'. 18.10 'Ериштош'. Мульттўплам. 18.20 'Санта-Барбара'. Телесериал. 19.40 'Сўхтабос'. Публицистик кўрсатув. 19.25, 20.25, 21.00 - Эълонлар. 19.45 'Ахборот (рус тилида)'. 20.00 'Куяла, айлгим'. Г.Ахмедов. 20.30 'Ахборот'. 21.05 'Тагтер'. Телесериал. 21.15 'Ривоят'. 21.55 'Хиндистондан салом!'. Муслик тўплам. 18.10 'Ериштош'. Мульттўплам. 18.20 'Санта-Барбара'. Телесериал. 19.40 'Сўхтабос'. Публицистик кўрсатув. 19.25, 20.25, 21.00 - Эълонлар. 19.45 'Ахборот (рус тилида)'. 20.00 'Куяла, айлгим'. Г.Ахмедов. 20.30 'Ахборот'. 21.05 'Тагтер'. Телесериал. 21.15 'Ривоят'. 21.55 'Хиндистондан салом!'. Муслик тўплам.

УзТВ III 17.55 Кўрсатувлар дастури. 18.00 'ДАРАҚЧИ'. 18.10 'Ериштош'. Мульттўплам. 18.20 'Санта-Барбара'. Телесериал. 19.40 'Сўхтабос'. Публицистик кўрсатув. 19.25, 20.25, 21.00 - Эълонлар. 19.45 'Ахборот (рус тилида)'. 20.00 'Куяла, айлгим'. Г.Ахмедов. 20.30 'Ахборот'. 21.05 'Тагтер'. Телесериал. 21.15 'Ривоят'. 21.55 'Хиндистондан салом!'. Муслик тўплам.

УзТВ III 17.55 Кўрсатувлар дастури. 18.00 'ДАРАҚЧИ'. 18.10 'Ериштош'. Мульттўплам. 18.20 'Санта-Барбара'. Телесериал. 19.40 'Сўхтабос'. Публицистик кўрсатув. 19.25, 20.25, 21.00 - Эълонлар. 19.45 'Ахборот (рус тилида)'. 20.00 'Куяла, айлгим'. Г.Ахмедов. 20.30 'Ахборот'. 21.05 'Тагтер'. Телесериал. 21.15 'Ривоят'. 21.55 'Хиндистондан салом!'. Муслик тўплам.

УзТВ III 17.55 Кўрсатувлар дастури. 18.00 'ДАРАҚЧИ'. 18.10 'Ериштош'. Мульттўплам. 18.20 'Санта-Барбара'. Телесериал. 19.40 'Сўхтабос'. Публицистик кўрсатув. 19.25, 20.25, 21.00 - Эълонлар. 19.45 'Ахборот (рус тилида)'. 20.00 'Куяла, айлгим'. Г.Ахмедов. 20.30 'Ахборот'. 21.05 'Тагтер'. Телесериал. 21.15 'Ривоят'. 21.55 'Хиндистондан салом!'. Муслик тўплам.

УзТВ III 17.55 Кўрсатувлар дастури. 18.00 'ДАРАҚЧИ'. 18.10 'Ериштош'. Мульттўплам. 18.20 'Санта-Барбара'. Телесериал. 19.40 'Сўхтабос'. Публицистик кўрсатув. 19.25, 20.25, 21.00 - Эълонлар. 19.45 'Ахборот (рус тилида)'. 20.00 'Куяла, айлгим'. Г.Ахмедов. 20.30 'Ахборот'. 21.05 'Тагтер'. Телесериал. 21.15 'Ривоят'. 21.55 'Хиндистондан салом!'. Муслик тўплам.

УзТВ III 17.55 Кўрсатувлар дастури. 18.00 'ДАРАҚЧИ'. 18.10 'Ериштош'. Мульттўплам. 18.20 'Санта-Барбара'. Телесериал. 19.40 'Сўхтабос'. Публицистик кўрсатув. 19.25, 20.25, 21.00 - Эълонлар. 19.45 'Ахборот (рус тилида)'. 20.00 'Куяла, айлгим'. Г.Ахмедов. 20.30 'Ахборот'. 21.05 'Тагтер'. Телесериал. 21.15 'Ривоят'. 21.55 'Хиндистондан салом!'. Муслик тўплам.

УзТВ III 17.55 Кўрсатувлар дастури. 18.00 'ДАРАҚЧИ'. 18.10 'Ериштош'. Мульттўплам. 18.20 'Санта-Барбара'. Телесериал. 19.40 'Сўхтабос'. Публицистик кўрсатув. 19.25, 20.25, 21.00 - Эълонлар. 19.45 'Ахборот (рус тилида)'. 20.00 'Куяла, айлгим'. Г.Ахмедов. 20.30 'Ахборот'. 21.05 'Тагтер'. Телесериал. 21.15 'Ривоят'. 21.55 'Хиндистондан салом!'. Муслик тўплам.

19.25 Муслик лхазлар. 19.35 Рақур. 19.45 Спорт-лото. 20.10 'Лаззат'. 20.25, 22.25 - Эълонлар. 20.30 Каталог. 20.45 '02' тўқинида. 20.50 'Ешлар' телеканалда премьераси. 'Имом ал-Бухорий'. Кўп қисми телевизион бадий фильм. 1-қисм. 21.25 'Эркин клип-антракт'. 21.50 Муслик лхазлар. 22.00 'Ешлар' телеканалда. 22.00 'ДАВР'. Ахборот дастури. 22.30 'Ринг'. XIII Осие уйинлари якунидир. 23.30 Хайт-коллекция. 23.50 Хайри тун!

УзТВ III 17.55 Кўрсатувлар дастури. 18.00 'ДАРАҚЧИ'. 18.10 'Ериштош'. Мульттўплам. 18.20 'Санта-Барбара'. Телесериал. 19.15 'Усто'. Телешоу. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 - Эълонлар. 19.30 'Ахборот (рус тилида)'. 20.00 'Тошкент ва тошкентликлар'. 20.15 Еқимли оханлар. 20.30 'Ахборот'. 21.05 'Хайри оқшом'. 21.35 'Тагтер'. Телесериал. 22.25 Эстрада концерти. 22.40 'ДАРАҚЧИ'. 22.50 'Куя'. 23.00 Оханлар ва эълонлар. 23.20 Видео-'0'. 01.00 'Хайри тун, шаҳрим!'.

Россия жамоат телевидениеси. 7.30-9.00 16.45 Кўрсатувлар тартиби. 16.50 'Мульгасар'. 17.10-18.45 Туркия телевидениеси. Россия жамоат телевидениеси. 18.45 'Шу ерда ва ҳозир'. 19.05 'Йнсон ва кунин'. 19.45 'Чироклари синган кўчалар'. Миллиция сериали. 20.45 Хайри тун, кичкинтойлар! 21.00 'Время'. 21.35 'Мухаббат тарихи'. Телесериал. 159-қисм. 22.20 'Оламда нима гап?'. Ахборот кўрсатув. 22.25 'Телешоуфор'. 22.40 'Дурдаришан'. 23.00 'Вести'. 23.30 Киносаванс: 'Дунё'. Бадий фильм. 1-серия (Хиндустон). 00.45 'Ахборот (рус тилида)'. 01.10 'Дунё'. Бадий фильм. 2-серия. 02.35-02.40 Тунингиз оуда бўлисин!

Россия жамоат телевидениеси. 7.30-9.00 16.45 Кўрсатувлар тартиби. 16.50 'Мульгасар'. 17.10-18.45 Туркия телевидениеси. Россия жамоат телевидениеси. 18.45 'Шу ерда ва ҳозир'. 19.05 'Йнсон ва кунин'. 19.45 'Чироклари синган кўчалар'. Миллиция сериали. 20.45 Хайри тун, кичкинтойлар! 21.00 'Время'. 21.35 'Мухаббат тарихи'. Телесериал. 159-қисм. 22.20 'Оламда нима гап?'. Ахборот кўрсатув. 22.25 'Телешоуфор'. 22.40 'Дурдаришан'. 23.00 'Вести'. 23.30 Киносаванс: 'Дунё'. Бадий фильм. 1-серия (Хиндустон). 00.45 'Ахборот (рус тилида)'. 01.10 'Дунё'. Бадий фильм. 2-серия. 02.35-02.40 Тунингиз оуда бўлисин!

УзТВ III 17.55 Кўрсатувлар дастури. 18.00 'ДАРАҚЧИ'. 18.10 'Ериштош'. Мульттўплам. 18.20 'Санта-Барбара'. Телесериал. 19.40 'Сўхтабос'. Публицистик кўрсатув. 19.25, 20.25, 21.00 - Эълонлар. 19.45 'Ахборот (рус тилида)'. 20.00 'Куяла, айлгим'. Г.Ахмедов. 20.30 'Ахборот'. 21.05 'Тагтер'. Телесериал. 21.15 'Ривоят'. 21.55 'Хиндистондан салом!'. Муслик тўплам.

УзТВ III 17.55 Кўрсатувлар дастури. 18.00 'ДАРАҚЧИ'. 18.10 'Ериштош'. Мульттўплам. 18.20 'Санта-Барбара'. Телесериал. 19.40 'Сўхтабос'. Публицистик кўрсатув. 19.25, 20.25, 21.00 - Эълонлар. 19.45 'Ахборот (рус тилида)'. 20.00 'Куяла, айлгим'. Г.Ахмедов. 20.30 'Ахборот'. 21.05 'Тагтер'. Телесериал. 21.15 'Ривоят'. 21.55 'Хиндистондан салом!'. Муслик тўплам.

УзТВ III 17.55 Кўрсатувлар дастури. 18.00 'ДАРАҚЧИ'. 18.10 'Ериштош'. Мульттўплам. 18.20 'Санта-Барбара'. Телесериал. 19.40 'Сўхтабос'. Публицистик кўрсатув. 19.25, 20.25, 21.00 - Эълонлар. 19.45 'Ахборот (рус тилида)'. 20.00 'Куяла, айлгим'. Г.Ахмедов. 20.30 'Ахборот'. 21.05 'Тагтер'. Телесериал. 21.15 'Ривоят'. 21.55 'Хиндистондан салом!'. Муслик тўплам.

УзТВ III 17.55 Кўрсатувлар дастури. 18.00 'ДАРАҚЧИ'. 18.10 'Ериштош'. Мульттўплам. 18.20 'Санта-Барбара'. Телесериал. 19.40 'Сўхтабос'. Публицистик кўрсатув. 19.25, 20.25, 21.00 - Эълонлар. 19.45 'Ахборот (рус тилида)'. 20.00 'Куяла, айлгим'. Г.Ахмедов. 20.30 'Ахборот'. 21.05 'Тагтер'. Телесериал. 21.15 'Ривоят'. 21.55 'Хиндистондан салом!'. Муслик тўплам.

УзТВ III 17.55 Кўрсатувлар дастури. 18.00 'ДАРАҚЧИ'. 18.10 'Ериштош'. Мульттўплам. 18.20 'Санта-Барбара'. Телесериал. 19.40 'Сўхтабос'. Публицистик кўрсатув. 19.25, 20.25, 21.00 - Эълонлар. 19.45 'Ахборот (рус тилида)'. 20.00 'Куяла, айлгим'. Г.Ахмедов. 20.30 'Ахборот'. 21.05 'Тагтер'. Телесериал. 21.15 'Ривоят'. 21.55 'Хиндистондан салом!'. Муслик тўплам.

7.30-9.00 16.45 Кўрсатувлар тартиби. 16.50 'Мульгасар'. 17.10-18.45 Туркия телевидениеси. Россия жамоат телевидениеси. 18.45 'Шу ерда ва ҳозир'. 19.05 'Эслашлари учун...'. Леонид Харитонов. Курсувати Л.Филатов олаб борди. 19.45 'Чироклари синган кўчалар'. Миллиция сериали. 20.45 Хайри тун, кичкинтойлар! 23.00 'Время'. 21.35 'Мухаббат тарихи'. Телесериал. 159-қисм. 22.20 'Оламда нима гап?'. Ахборот кўрсатув. 22.25 '02' тўқинида. 22.40 'Спорт-клуб'. 23.00 'Вести'. 23.30 'Кино саяраси'. 23.50 Кинематограф: 'Шахсий соқчи'. Бош роляда К.Костнер. 01.55 'Ахборот (рус тилида)'. 02.00-02.25 Тунингиз оуда бўлисин!

Россия жамоат телевидениеси. 7.30-9.00 16.45 Кўрсатувлар тартиби. 16.50 'Мульгасар'. 17.10-18.45 Туркия телевидениеси. Россия жамоат телевидениеси. 18.45 'Шу ерда ва ҳозир'. 19.05 'Йнсон ва кунин'. 19.45 'Чироклари синган кўчалар'. Миллиция сериали. 20.45 Хайри тун, кичкинтойлар! 21.00 'Время'. 21.35 'Мухаббат тарихи'. Телесериал. 159-қисм. 22.20 'Оламда нима гап?'. Ахборот кўрсатув. 22.25 '02' тўқинида. 22.40 'Спорт-клуб'. 23.00 'Вести'. 23.30 'Кино саяраси'. 23.50 Кинематограф: 'Шахсий соқчи'. Бош роляда К.Костнер. 01.55 'Ахборот (рус тилида)'. 02.00-02.25 Тунингиз оуда бўлисин!

Россия жамоат телевидениеси. 7.30-9.00 16.45 Кўрсатувлар тартиби. 16.50 'Мульгасар'. 17.10-18.45 Туркия телевидениеси. Россия жамоат телевидениеси. 18.45 'Шу ерда ва ҳозир'. 19.05 'Йнсон ва кунин'. 19.45 'Чироклари синган кўчалар'. Миллиция сериали. 20.45 Хайри тун, кичкинтойлар! 21.00 'Время'. 21.35 'Мухаббат тарихи'. Телесериал. 159-қисм. 22.20 'Оламда нима гап?'. Ахборот кўрсатув. 22.25 '02' тўқинида. 22.40 'Спорт-клуб'. 23.00 'Вести'. 23.30 'Кино саяраси'. 23.50 Кинематограф: 'Шахсий соқчи'. Бош роляда К.Костнер. 01.55 'Ахборот (рус тилида)'. 02.00-02.25 Тунингиз оуда бўлисин!

Россия жамоат телевидениеси. 7.30-9.00 16.45 Кўрсатувлар тартиби. 16.50 'Мульгасар'. 17.10-18.45 Туркия телевидениеси. Россия жамоат телевидениеси. 18.45 'Шу ерда ва ҳозир'. 19.05 'Йнсон ва кунин'. 19.45 'Чироклари синган кўчалар'. Миллиция сериали. 20.45 Хайри тун, кичкинтойлар! 21.00 'Время'. 21.35 'Мухаббат тарихи'. Телесериал. 159-қисм. 22.20 'Оламда нима гап?'. Ахборот кўрсатув. 22.25 '02' тўқинида. 22.40 'Спорт-клуб'. 23.00 'Вести'. 23.30 'Кино саяраси'. 23.50 Кинематограф: 'Шахсий соқчи'. Бош роляда К.Костнер. 01.55 'Ахборот (рус тилида)'. 02.00-02.25 Тунингиз оуда бўлисин!

Россия жамоат телевидениеси. 7.30-9.00 16.45 Кўрсатувлар тартиби. 16.50 'Мульгасар'. 17.10-18.45 Туркия телевидениеси. Россия жамоат телевидениеси. 18.45 'Шу ерда ва ҳозир'. 19.05 'Йнсон ва кунин'. 19.45 'Чироклари синган кўчалар'. Миллиция сериали. 20.45 Хайри тун, кичкинтойлар! 21.00 'Время'. 21.35 'Мухаббат тарихи'. Телесериал. 159-қисм. 22.20 'Оламда нима гап?'. Ахборот кўрсатув. 22.25 '02' тўқинида. 22.40 'Спорт-клуб'. 23.00 'Вести'. 23.30 'Кино саяраси'. 23.50 Кинематограф: 'Шахсий соқчи'. Бош роляда К.Костнер. 01.55 'Ахборот (рус тилида)'. 02.00-02.25 Тунингиз оуда бўлисин!

Россия жамоат телевидениеси. 7.30-9.00 16.45 Кўрсатувлар тартиби. 16.50 'Мульгасар'. 17.10-18.45 Туркия телевидениеси. Россия жамоат телевидениеси. 18.45 'Шу ерда ва ҳозир'. 19.05 'Йнсон ва кунин'. 19.45 'Чироклари синган кўчалар'. Миллиция сериали. 20.45 Хайри тун, кичкинтойлар! 21.00 'Время'. 21.35 'Мухаббат тарихи'. Телесериал. 159-қисм. 22.20 'Оламда нима гап?'. Ахборот кўрсатув. 22.25 '02' тўқинида. 22.40 'Спорт-клуб'. 23.00 'Вести'. 23.30 'Кино саяраси'. 23.50 Кинематограф: 'Шахсий соқчи'. Бош роляда К.Костнер. 01.55 'Ахборот (рус тилида)'. 02.00-02.25 Тунингиз оуда бўлисин!

Россия жамоат телевидениеси. 7.30-9.00 16.45 Кўрсатувлар тартиби. 16.50 'Мульгасар'. 17.10-18.45 Туркия телевидениеси. Россия жамоат телевидениеси. 18.45 'Шу ерда ва ҳозир'. 19.05 'Йнсон ва кунин'. 19.45 'Чироклари синган кўчалар'. Миллиция сериали. 20.45 Хайри тун, кичкинтойлар! 21.00 'Время'. 21.35 'Мухаббат тарихи'. Телесериал. 159-қисм. 22.20 'Оламда нима гап?'. Ахборот кўрсатув. 22.25 '02' тўқинида. 22.40 'Спорт-клуб'. 23.00 'Вести'. 23.30 'Кино саяраси'. 23.50 Кинематограф: 'Шахсий соқчи'. Бош роляда К.Костнер. 01.55 'Ахборот (рус тилида)'. 02.00-02.25 Тунингиз оуда бўлисин!

Россия жамоат телевидениеси. 7.30-9.00 16.45 Кўрсатувлар тартиби. 16.50 'Мульгасар'. 17.10-18.45 Туркия телевидениеси. Россия жамоат телевидениеси. 18.45 'Шу ерда ва ҳозир'. 19.05 'Йнсон ва кунин'. 19.45 'Чироклари синган кўчалар'. Миллиция сериали. 20.45 Хайри тун, кичкинтойлар! 21.00 'Время'. 21.35 'Мухаббат тарихи'. Телесериал. 159-қисм. 22.20 'Оламда нима гап?'. Ахборот кўрсатув. 22.25 '02' тўқинида. 22.40 'Спорт-клуб'. 23.00 'Вести'. 23.30 'Кино саяраси'. 23.50 Кинематограф: 'Шахсий соқчи'. Бош роляда К.Костнер. 01.55 'Ахборот (рус тилида)'. 02.00-02.25 Тунингиз оуда бўлисин!

Россия жамоат телевидениеси. 7.30-9.00 16.45 Кўрсатувлар тартиби. 16.50 'Мульгасар'. 17.10-18.45 Туркия телевидениеси. Россия жамоат телевидениеси. 18.45 'Шу ерда ва ҳозир'. 19.05 'Йнсон ва кунин'. 19.45 'Чироклари синган кўчалар'. Миллиция сериали. 20.45 Хайри тун, кичкинтойлар! 21.00 'Время'. 21.35 'Мухаббат тарихи'. Телесериал. 159-қисм. 22.20 'Оламда нима гап?'. Ахборот кўрсатув. 22.25 '02' тўқинида. 22.40 'Спорт-клуб'. 23.00 'Вести'. 23.30 'Кино саяраси'. 23.50 Кинематограф: 'Шахсий соқчи'. Бош роляда К.Костнер. 01.55 'Ахборот (рус тилида)'. 02.00-02.25 Тунингиз оуда бўлисин!

7.30-9.00 16.45 Кўрсатувлар тартиби. 16.50 'Мульгасар'. 17.10-18.45 Туркия телевидениеси. Россия жамоат телевидениеси. 18.45 'Шу ерда ва ҳозир'. 19.05 'Эслашлари учун...'. Леонид Харитонов. Курсувати Л.Филатов олаб борди. 19.45 'Чироклари синган кўчалар'. Миллиция сериали. 20.45 Хайри тун, кичкинтойлар! 23.00 'Время'. 21.35 'Мухаббат тарихи'. Телесериал. 159-қисм. 22.20 'Оламда нима гап?'. Ахборот кўрсатув. 22.25 '02' тўқинида. 22.40 'Спорт-клуб'. 23.00 'Вести'. 23.30 'Кино саяраси'. 23.50 Кинематограф: 'Шахсий соқчи'. Бош роляда К.Костнер. 01.55 'Ахборот (рус тилида)'. 02.00-02.25 Тунингиз оуда бўлисин!

Россия жамоат телевидениеси. 7.30-9.00 16.45 Кўрсатувлар тартиби. 16.50 'Мульгасар'. 17.10-18.45 Туркия телевидениеси. Россия жамоат телевидениеси. 18.45 'Шу ерда ва ҳозир'. 19.05 'Йнсон ва кунин'. 19.45 'Чироклари синган кўчалар'. Миллиция сериали. 20.45 Хайри тун, кичкинтойлар! 21.00 'Время'. 21.35 'Мухаббат тарихи'. Телесериал. 159-қисм. 22.20 'Оламда нима гап?'. Ахборот кўрсатув. 22.25 '02' тўқинида.